



УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ МОЛИЯСИНING ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Хожиев Жахонгир Душабаевич

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Молия” кафедраси
доценти в.в.б. Тошкент, Ўзбекистон. xojiyev.jaxongir@mail.ru*

ORCID: 0000-0003-3253-2119

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a14

Аннотация

Мазкур мақола Мамлакатимиз аҳоли реал даромадларининг шаклланиш манбалари даражаси кўрсаткичларини ўрганишга қаратилган. Уй хўжаликлари молиясида аҳоли даромадлари таркибида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар аҳоли даромадларини ҳисоблашни такомиллаштиришни ва уни халқаро андозаларга мос методикасини ишлаб чиқишни талаб этади. Бу давлат томонидан аҳоли фаровонлигини ошириш сиёсатининг пировард ижобий натижаси ҳисобланади. Мамлакатимиз аҳолисининг пул даромадлари ва харажатларини иқтисодий индекслар усулларда ўрганиш, аҳоли турмуш фаровонлиги ва аҳоли реал даромадларини оширишга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш бўйича илмий-назарий тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: уй хўжалиги молияси, аҳоли даромадлари, истеъмол эҳтиёжлари, аҳоли турмуш фаровонлиги, нақд пул тежаш, жамғарма фондлар, тадбиркорлик қобилияти, иқтисодий категория, иқтисодий муносабатлар.

ОСОБЕННОСТИ ФИНАНСИРОВАНИЯ ДОМАШНИХ ХОЗЯЙСТВ

Ходжиев Джахонгир Душабаевич

Доцент кафедры «Финансы» Ташкентского государственного экономического университета. Ташкент, Узбекистан.

Аннотация

Данная статья направлена на изучение показателей уровня источников формирования реальных доходов населения нашей страны. Положительные изменения, происходящие в структуре доходов домашних хозяйств в финансах домашних хозяйств, требуют усовершенствования расчета доходов домашних хозяйств и разработки его методологии в соответствии с международными стандартами. Это конечный положительный результат государственной политики повышения благосостояния населения. Разработаны научно-теоретические рекомендации и практические предложения по изучению денежных доходов и расходов населения нашей страны с использованием методов экономических показателей, анализа факторов, влияющих на повышение благосостояния населения и реальных доходов населения.

Ключевые слова: финансы домашнего хозяйства, доходы населения, потребительские потребности, благосостояние населения, денежные сбережения, сберегательные фонды, предпринимательская способность, экономическая категория, экономические отношения.

SPECIFIC ASPECTS OF HOUSEHOLD FINANCE

Khodjiev Jahongir Dushabaevich

Associate Professor of the Department of Finance, Tashkent State University of Economics. Tashkent, Uzbekistan.

Abstract

This article is aimed at studying the indicators of the level of sources of formation of real incomes of the population of our country. Positive changes taking place in the structure of household income in household finances require improvement in the calculation of household income and the development of its methodology in accordance with international standards. This is the final positive result of the state policy of improving the well-being of the population. Scientific and theoretical recommendations and practical proposals have been developed to study the monetary income and expenditure of the population of our country using the methods of economic indicators, analysis of factors affecting the improvement of the welfare of the population and real incomes of the population

Keywords: Household finance, population income, consumer needs, population welfare, cash savings, savings funds, entrepreneurial ability, economic category, economic relations.

Кириш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ривожланиб бориши билан аҳолининг даромад олиш имкониятлари ошиб, аҳоли даромадларининг таркибини кўпайтириш ва ижтимоий ҳимоялаш саналади. Мамлакатнинг ижтимоий сиёсатида аҳоли даромадлари ҳар қайси оиладаги фаровонлик, юртдошларимизнинг ҳаётга бўлган муносабати, пировард натижада бутун жамиятимизнинг барқарорлиги, аввало, аҳолининг қандай иш билан таъминлангани, ўз меҳнатига яраша муносиб маош олишига боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Юртимизда аҳоли даромадларининг ошиб бориши билан унинг таркиби ўзгариб, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад барқарор ўсиб боришини таъминлаш назарда тутилган. Қолаверса, кейинги муҳим масалалардан бири макроқўламда изчил ортиб бораётган аҳоли даромадларини уларнинг ижтимоий қатламлари ўртасида тенг тақсимлаш орқали иш ҳақи, аҳоли даромадларини таркиби ва динамикасининг таҳлили натижасида иш ҳақи шаклидаги даромадлар устувор аҳамият касб этаётганлиги, унда даромад солиғи механизмини янада такмиллаштиришга йўналтирилган таклифлар тизими асосланиши ва бошқа даромадларнинг фарқланиш даражасини камайтириш ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъий назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугунги ҳаётдан рози бўлиб яшаши – бизнинг бош мақсадимиздир. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислохотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ. Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқаришимиз керак. Шу мақсадда, мактабгача таълим тизимини ривожлантиришимиз, ўрта ва олий ўқув юртарининг моддий-техник базасини, илмий ва ўқув жараёнлари сифатини тубдан яхшилашимиз керак. Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, биз учун ҳаётий муҳим масалалардир. Ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз кексалар,

умуман, кўмакка муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш, албатта, устувор вазифамиз бўлиб қолади[1].

Бу борада мамлакатимиз Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида “Халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш учун меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш ва аҳоли реал даромадларини оширишимиз зарур” [2] деб таъкидлаганлар.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув шароитида ҳам аҳоли турмуш даражасини статистик усуллар ёрдамида баҳолашга зарурат туғилмоқда. Айниқса, бугунги кунда аҳолининг турмуш даражасини объектив статистик маълумотлар асосида иқтисодий-статистик таҳлил қилиш, аҳоли пул даромадларининг ташкил топиш манбалари ва харажатларининг таснифланишини махсус статистик усулларда ўрганиш, пул даромадлари ва харажатларига таъсир этувчи омилларни статистик баҳолаш ва харажатлар таснифини статистик таҳлил этиш ва истеъмол талабларининг қондирилиш даражасини статистик маълумотлар асосида ҳаққоний талқин этиш долзарб масала ҳисобланмоқда.

Адабиётлар таҳлили

Иқтисодий категория сифатида уй хўжаликларида истеъмол мақсадлари ва жамғариш учун пул маблағлари фондларини шакллантириш, уларни тақсимлаш ва фойдаланишга оид иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат бўлади.

Иқтисодчи олим Т.Маликов шуларни эътиборга олиб, қуйидаги хулосага келган: “Уй хўжаликларида истеъмол мақсадлари ва жамғариш учун пул маблағлари фондларини шакллантириш, уларни тақсимлаш ва фойдаланишга тегишли бўлган иқтисодий (молиявий) муносабатлар мажмуи уй хўжаликлари молияси деб аталади[3].

Ё.Абдуллаев таъкидлаганидек, Аҳоли даромадлари оила аъзолари томонидан муайян даврда олинган пул ва натурал кўринишдаги маблағлар қиймати йиғиндисини ифодалайди. Ҳар доим талабда эҳтиёжлар даражаси ва таркиби ортиб, унинг даромадлари миқдорига бевосита боғлиқ равишда таъсир кўрсатади[4].

М.Назаров таҳрири асосида чоп этилган “Ижтимоий-иқтисодий статистика курси” китобида “Аҳоли турмуш даражаси инсонларнинг ҳаёт фаолияти, энг аввало, истеъмол соҳасидаги реал ижтимоий-иқтисодий шароитлари йиғиндисини ифодаловчи мураккаб ва кўп қиррали категория бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг муҳим тавсифи ҳисобланади” деб таърифланади[5].

Н.Зокированинг фикрича, аҳоли пул даромадлари ва истеъмол нархлари ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар асосида истеъмол нархлари ўсишидан аҳоли даромадлари эластиклик коэффициенти ҳисоблаш мумкин. Бунда фикримизча, иккала эластиклик хусусида гапириш мумкин: бир томондан, даромадларнинг ортиши истеъмол нархларининг ошиши иш ҳақи, нафақа ва тушумларнинг ошишига олиб келади[6].

Бизнинг фикримизча, юқорида келтириб ўтилган таърифлар кўпроқ назарий хусусиятга эга бўлиб, уй хўжаликлари молиясининг ўзига хос жиҳатлари, уй хўжалигида аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларини ўрганишда амалий ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини тўлиқ очиб беришда ўзига хос хусусиятга эга.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг уй хўжаликлари молиясининг ўзига хос жиҳатлари, пул даромадлари, аҳолининг реал даромадларини

ошириш ва истеъмол нархлари ўзгаришини ривожлантиришга қаратилган асарлари ўрганилган. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг умумий даромадлари таркиби ва реал даромадларининг таҳлилида статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танлама кўзатув усулларида фойдаланилди. Тадқиқот методологияси сифатида адабиётлар қиёсий таҳлили, мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш ва қиёсий таққослаш усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Мамлакатимизда уй хўжаликлари аъзоларининг эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш мақсадида зарурий пул фондларини (жорий истеъмол даражасини, пул захираларини, инвестициялаштиришни) сақлаб туриш учун шакллантириш, улардан фойдаланишда уй хўжалиги аъзолари ўртасида вужудга келадиган муносабатлар ушбу хўжаликнинг ички молиявий муносабатлари саналади. Уй хўжалигига тааллуқли молиявий қарорлар қандайлигидан қатъи назар, уларнинг пул фондларини шакллантиришга ва улардан фойдаланишга боғлиқ бўлади.

Уй хўжалигида аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларининг яхши тузилган тизими ижтимоий сиёсатни самарали ишлаб чиқишда, кам таъминланган аҳолига ёрдам кўрсатишда, асосланган қарорларни қабул қилишда, тармоқлар ўртасидаги мувозанатни таъминлашда, мамлакатда ўтказилаётган ислохотларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини баҳолашда, давлат ва ҳудудий ижтимоий дастурлари амалга оширилишини назорат қилишда муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли ёки уни алоҳида қатламларининг турмуш даражасини турли кўрсаткичлар тизими ёрдамида ўрганиш мумкин.

Бу тизимга биринчидан, аҳоли турмуш даражасига умумий тавсиф берувчи қиймат кўрсаткичлари, иккинчидан, моддий неъматлар ва хизматлар истеъмолининг ҳажмини натурал ифодаларда кўрсатиб берувчи натурал кўрсаткичлар, учинчидан, бир яшовчи ёки ишчига тўғри келувчи, қиймат ва натурал кўринишларда ифодаланувчи аҳоли жон бошига ёки бир оилага ҳисобланувчи ўртача кўрсаткичлар киритилади.

Юқорида кўрсатилган натурал ва қиймат бирликларида ифодаланган кўрсаткичлар мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар (фоизларда ифодаланади) бўйича ҳам ифодаланади.

Турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар турли-туман бўлиб, турмуш даражаси концепцияси билан узвий боғлиқ. Турмуш даражасини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади:

- ✓ даражага оид кўрсаткичлар (мутлақ қийматликлар);
- ✓ таркибий кўрсаткичлар (даражага оид кўрсаткичлари таркибий қисмлари);
- ✓ динамик (даражага оид кўрсаткичларнинг ўзгаришини тавсифлайдиган, нисбий) кўрсаткичлар сифатида ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

Нисбий турмуш даражасини қуйидаги тўртта жиҳат бўйича аниқлаш мумкин:

- 1) аввалги йиллардаги турмуш даражаси билан таққослаш;
- 2) бир минтақадаги турмуш даражасини бошқа минтақалардаги (мамлакатлардаги) турмуш даражаси билан таққослаш;
- 3) бир тармоқда ишловчилар турмуш даражасини бошқа тармоқларда ишловчи аҳоли турмуш даражаси билан таққослаш;
- 4) амалдаги турмуш даражасини кишиларнинг минимал ва оқилона талабларини ифодаловчи эҳтиёжларнинг қондирилиши билан таққослаш.

Аҳоли турмуш даражасини баҳолаш олдида қуйидаги масалалар туради:

- аҳоли пул даромадлари ва харажатлари, моддий-маданий ва маънавий эҳтиёжлари таркиби, тузилмаси, уларни тавсифловчи кўрсаткичлар динамикасини ўрганиш;

- аҳоли даромади ва истеъмолидаги фарқларни ўрганиш, бу тафовутларни қисқартишдаги ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирини аниқлаш;

- турли тармоқларда ишловчи аҳоли қатламларининг турмуш даражасини қиёсий ўрганиш;

- шаҳар билан қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини таққослаб ўрганиш;

- минтақалар миқёсида аҳоли турмуш даражасини қиёсий ўрганиш;

- республика аҳолиси турмуш даражаси билан халқаро таққослашларни амалга ошириш ва ҳоказо.

Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ривожланишида муҳим ўринни ягона шахсдан, оила, уй хўжалигига ўтиш эгаллади. Аҳоли турмуш даражаси, даромадлари, имконияти, истеъмол ва эҳтиёжларнинг қондирилиши даражасини объектив талқин этиш муаммоси долзарб ҳисобланди. Жаҳон иқтисодчилари томонидан аҳоли турмуш даражасини ҳар томонлама аниқ тавсифловчи кўрсаткичлар услубиятини, умумлаштирувчи кўрсаткични аниқлашга кўп ҳаракат қилинган. Ривожланган давлатларда аҳоли турмуш даражасини баҳолаш аҳоли даромадлари, озиқ-овқат истеъмоли, уй-жой шарт-шароитларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилиб келинмоқда.

Аҳолининг ўсиб бораётган тўлов қобилияти билан саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ҳажми ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш, саноат маҳсулотлари турини кенгайтириш, бозорларни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан ишончли тарзда тўлдириб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, аҳолининг турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан унинг озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти даражасига боғлиқ бўлади. Мазкур масалани ҳал этишда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар самарадорлигини ошириш лозим.

Уй хўжаликлари молиясида аҳоли даромадлари таркибида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар аҳоли даромадларини ҳисоблашни такомиллаштиришни ва уни халқаро андозаларга мос методикасини ишлаб чиқишни талаб этади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг умумий даромадлари таркиби[7]

Т/р	Кўрсаткичлар номи	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
	Умумий даромадлар - жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
	Шу жумладан:						
I.	Бирламчи даромадлар	73,0	75,6	79,7	84,0	79,1	76,3
	Шундан:						
1.	Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар	70,3	73,2	76,9	80,9	75,8	73,3
2.	Мол-мулкдан олинган даромадлар	2,8	2,4	2,8	3,1	3,4	3,0
II.	Трансфертлардан олинган даромадлар	27,0	24,4	20,3	16,0	20,9	23,7

1-жадвалда хусусан бирламчи даромадлар таркиби ва тузилмасидан маълумки, ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар 2016 йилда 70,3 %ни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб 73,3 %ни ташкил қилмоқда. Мол-мулкдан олинадиган даромадлар эса 2016 йилда 2,8 %ни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб 3,0 %ни ташкил қилмоқда. Демак, 2021 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳоли умумий даромадларининг 76,3 % ни бирламчи даромадлар ташкил қилган бўлса, 23,7 % трансфертлардан олинган даромадлар ҳиссасига тўғри келади. Бунда ҳулоса қилиш мумкинки аҳоли даромадлари таркибида иқтисодий фаоллик натижасида олинадиган даромадларнинг салмоғи ортиб бормоқда.

Ушбу ҳолат шундан далолат берадики, аҳолининг реал умумий даромадларининг юқорида тилга олинган ҳудудлардаги юқори ўсиш суръати асосан ҳудудий иқтисодий ислоҳотлар: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, хориждий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳисобига ҳудудлар кесимида йирик шаҳарни ташкил этувчи замонавий корхоналарни барпо этилиши билан ўзвий боғлиқдир.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида Аҳоли умумий даромадларининг ўтган йилга нисбатан реал ўсиш суръатлари, % да[8].

	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й
Аҳолининг умумий даромадлари	119,7	127,1	121,5	114,8
Аҳолининг реал умумий даромадлари	109,3	108,1	106,1	101,8
Аҳоли жон бошига умумий даромадлар	117,7	124,8	119,3	112,7
Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар	107,5	106,2	104,2	99,8

2-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, республикада аҳолининг умумий даромадлари ўсиш суръатлари 2018-йилда 119,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021-йилда бу кўрсаткич 1,04 фоизга камайиб, 114,9 фоизни ташкил этган. Аҳолининг умумий реал умумий даромадлари ҳам 2018-йилда 109,3 фоиздан 2021-йилда 101,8 фоизга пасайган. Юқоридаги қолган кўрсаткичларда ҳам пасайиш тенденциясига эга.

Уй хўжалиқларининг харажатлари бир қатор турлари бўйича таснифланади.

Функционал мақсадига қараб, харажатларни қуйидаги асосий гуруҳларга бўлиш мумкин:

– шахсий истеъмол харажатлари, яъни товарлар харид қилиш, хизматлар учун тўлов;

– солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

– нақд пул тежаш ва жамғармалар.

Уларни истеъмол қилиш ва тўплаш билан боғлиқ харажатларга бўлишни ўз ичига олган яна бир ёндашув мавжуд.

Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси маълумотларига кўра, 2022-йилда республика бўйича номинал пул даромадлари изчил равишда ўсиб бориши режалаштирилган. Аҳоли пул даромадларининг ўсиши асосан иш ҳақининг ва ижтимоий трансфертларнинг ошиши ҳисобига таъминланиши кўзда тутилган. Бу давлат томонидан аҳоли фаровонлигини ошириш сиёсатининг пировард ижобий натижаси ҳисобланади.

Демак, аҳоли реал даромадларининг ўсиш суръатида ҳам ўз навбатида ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтириш билан боғлиқ ислоҳотлар

самарадорлигига боғлиқ бўлмоқда. Бизга маълумки, мустақиллий йиллари мобайнида ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Фаолиятнинг ушбу соҳаси нафақат ҳудудлар иқтисодиётини балки, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва уларнинг реал даромадларини изчил оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, аҳоли даромадлари харажатдан кўп бўлса, уй хўжалигида яшаётган оила аъзоларининг турмуш фаровонлиги янада яхшиланади. Аҳолининг умумий даромадлари мажбурий тўловлар ва бошқа ажратмаларни амалга оширгунга қадар бўлган ялпи даромадни ифода этади.

Аҳоли томонидан олинган даромадларнинг таркибий тақсимланишини таҳлил қилиш мақсадида аҳоли ихтиёридаги даромад аниқланади, чунки у аҳоли истемол харажатлари учун мумкин бўлган энг катта миқдорни аниқлаш имконини беради. Аҳоли ихтиёридаги даромад умумий даромаддан тўғри солиқларни (уларнинг қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда), мажбурий йиғимлар ва жарималар ҳамда бир уй хўжалигига бошқа уй хўжалиги томонидан бериладиган моддий ёрдам пулларини чегириш орқали ҳисобланади.

Аҳоли даромадлари таркибида иқтисодий фаол аҳоли оладиган бирламчи даромадларнинг ортиб бориши кузатилаётган бўлиб, бу ўз навбатида аҳоли истемол кўрсаткичининг яхшиланишига, даромадлар ўртасидаги фарқланишни минималлаштирилишига ва шунингдек, давлат бюджети даромадларини шаклланишига позитив таъсир этмоқда.

Амалдаги солиқ тизимини ислоҳ қилиш асосан иқтисодий самарадорликни оширишга қаратилган бўлиб, унда даромадлар тенгсизлигини мувофиқлаштириш механизми ҳам инobatга олиниши мақсадга мувофиқдир.

Кейинги йилларда аҳоли турмуш фаровонлигини, уларнинг даромадларини ошириш давлат сиёсати натижаси ўлароқ иқтисодий фаол аҳоли қатламида солиқ тўловчи аҳоли салмоғининг ортиши ва даромадлар изчил ўсиб бориши кузатилмоқда. Бу ўз навбатида солиқ базасининг ортиши эвазига бюджетга солиқ тушумларини кўпайишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2019. – 55 б.
3. Ваҳобов А.В. Маликов Т.С. Молия. Дарслик, Тошкент, 2012 йил, 712-бет
4. Абдуллаев Ё.А. Макроиқтисодий статистика. 100 савол ва жавоб. – Т.: Меҳнат, 1998. – 382 б.
5. Назаров М.Г. Курс социально – экономической статистики. 2000 г. – 771 стр.
6. Зокирпова Н. Инқироз: оқибатлар, бартараф этиш, меҳнат муаммолари ва янги марраларга чиқиш. – Т.: Фан ва технология, 2009.
7. www.mf.uz - сайти маълумотлари.
8. www.stat.uz - сайти маълумотлари.